

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 30 май, № 109 (4772)

Шанба

## «УМИД НИҲОЛЛАРИ» СПОРТ ҲАММОНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Қадри фарзандларим!  
Хурматли ота-оналар, устоз-мураббийлар ва спорт мухлислари!

Аваллабор, сиз азизларни, саховатли Сирдарё заминидан, тобора қад ростлаб, чирой очиб бораётган Гулистон шаҳрида жам бўлган барча ўғил-қизларимизни бугунги қувончи воқеа — «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

«Умид ниҳоллари» деб ном олган, ўқувчи ёшларимизнинг куч-қуввати ва қобилиятини, салоҳиятини ва маҳоратини намойён этадиган, иродасини тоблайдиган бу мусобақаларнинг мард ва матонатли инсонлар юрти бўлмиш Мирзачўл воҳасида ўтаётгани алоҳида рамзий маънога эга.

Бир пайтлар қуш учса — қаноти, одам юрса — оёғи қуядиган чўли биёбон бўлган, ота-боболарингизнинг фидокорона меҳнати ва қатъияти ҳисобидан обод ва файзли заминга айланган бу маскан бугун сизларни ўз бағрига қабул қилмоқда ва эъзозламоқда.

Азиз болаларим!  
Бу дунёда, қайси соҳада бўлмасин, бирон бир ютуқ ва натижа ўз-ўзидан келмаслигини, ўйламанки, барчангиз яхши англайсиз. Жумладан, спорт оламида ҳам юксак марраларни эгаллаш, ўз муродида етиш учун, аввало, мустаҳкам пойдевор, истеъдод ва интилиш, энг муҳими, кучли ирода, тинимсиз меҳнат ва шижоат кераклиги ҳеч кимга сир эмас.

Ана шундай олижаноб, барчангизга ярашадиган хусусият ва аломатлар мавжуд бўлган ва ўзаро бирлашган жойда, албатта, муносиб ютуқ ва ғалабалар қўлга киритилади.

Бугун мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган, жаҳон жамоатчилиги эътироф этаётган саъй-ҳаракатларимиз, шу борада замонавий моддий-техник базани барпо этаётганимиз, авваллабор, униб-ўсиб келаётган сиз, ёш авлодимиз учун, сизнинг қобилият ва салоҳиятингизни рўйбга чиқариш учун амалга оширилмоқда.

Кейинги беш йил мобайнида юртимизда Болалар спортини ривожлантириш дастури доирасида 130 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, 900 дан ортиқ спорт иншооти қуриб битказилгани ва юксак талаблар асосида жиҳозлангани бунга яққол мисол бўла олади.

Биз болаларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан, ҳам жисмоний, ҳам маънавий бақувват, баркамол ва етук инсонлар бўлиб вояга етиши учун ҳар қайси шаҳар ва қишлоқда, барча тураржойларимизда замонавий талабларга жавоб берадиган спорт масканлари, стадион ва сузиш ҳавзаларини бунёд этиш, уларни жонқуяр ва малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз. Ва бу мақсадга яқин йилларда, ҳеч шубҳасиз, албатта эришамиз.

«Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари қатори юртимизда шаклланган уч босқичли ягона тизимнинг узвий қисми бўлган «Умид ниҳоллари» мусобақалари спорт оламига энди қадам қўяётган, барчамизда катта умид уйғотадиган ёш талантларни кашф этадиган, таъбир жоиз бўлса, эртанги мамлакат, Осиё ва жаҳон чемпионлигига қанот берадиган парвоз майдони, десак, ўйламанки, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ишонаман — бу мусобақаларда сиз, азиз болаларим баланд руҳ билан, ёшлик шижоатингиз, бор куч ва маҳоратингизни намойён этасиз, эришган натижаларингиз билан ота-оналарингиз, устоз-мураббийлар, дўсту ёрларингизни қувонтирасиз ва орангиздан энг муносиблар юксак шохсупаларга кўтарилади.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай муқташам, замонавий спорт мажмуаларини барпо этган моҳир курувчиларга, мезмор ва муҳандисларга, бу қурилушларга катта ҳисса қўшган мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бутун Сирдарё аҳлига чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги ёшлик ва нафосат байрами билан яна бир бор кутлар эканман, адолат, ўзаро хурмат ва самимият руҳида ўтадиган бу бетакрор спорт мусобақалари ҳар бирингизнинг ҳаётингизда ёрқин ва ўчмас саҳифа бўлиб қолишини тилайман.

Барчангизга ўқишда ва шахсий ҳаётингизда доимо бахту омад ёр бўлсин, ўз муродингизга етинг, қадри фарзандларим!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



## ГУЛИСТОНДА ЁШЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

Махсус мухбиримиз Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ хабар қилади.

Кеча Гулистон шаҳридаги «Ёшлик» марказий стадионида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақалари республика босқичининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ниҳоят, мамлакатимизнинг навқирон ва шижоатли фарзандлари озиқиб кутган кунлар етиб келди. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган, илк бор Фарғонада, кейин Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида зўр тантаналар билан ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари нафаси бугун Мирзачўл марвариди — Гулистон шаҳрида намойён.

Айтиш жоизки, «Умид ниҳоллари» нафақат спорт байрами, балки ўғил-қизлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамловчи, уларни ягона мақсад сари бирлаштирувчи беқиёс кучга айланиб бормоқда. Ўрта-босимиз таъкидлаганларидек, ёшларимиз маънавий етук, зукко ва биллимон, спорт майдонларида чиниққан, мард фарзандлар бўлиб камолга етишлари керак. Шу маънода, уч босқичли тизимга асосланган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда «Универсиада» спорт ўйинлари эртанги эгалари онгига соғлом турмуш тарзини сингдиришда, уларни Ватани асраб-авайлайдиган, қудратига

қудрат қўшадиган, халқаро майдонларда обрў-этиборини янада оширадиган фидойи инсонлар этиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг узвий давоми бўлган ушбу мусобақалар ажойиб анъанага айланди.

Зотан, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, бу борада олдимизга қўйилган буюк мақсадларга эришишда мамлакатимизда ёш авлодга яратилаётган имкониятлар катта аҳамият касб этади.

«Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинларига тайёргарлик жараёнида бутун вилоят аҳли бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилди. Бундай жиҳосликни, ушшоқликни Гулистон шаҳрида қад ростлаган кўплаб спорт иншоотлари, қайта реконструкция қилинган бинолар, обод кўчалар ва сўлим хиёбонлар мисолида кўриш мумкин. Масалан, шаҳар марказидаги Болалар спорт мажмуасидаги шарт-шароитларга мутахассислар юқори баҳо беришмоқда. Мажмуада-

ги ёпиқ сузиш ҳавзаси вилоятда ягона ҳисобланади. Гулистонликларнинг фаҳрига айланган мазкур сув ҳавзасидаги филтрлаш тизими тўрт соат давомида сувни тўлиқ тозалаш имкониятига эга. Бу эса обихаётни орттиқча сарф қилишнинг олдини олиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Муҳаммад таъмирдан чиқарилган «Алпомиш» спорт маркази ҳам шаҳар кўрғида кўрк қўшди. Бу ерда 1600 ўрнили очик теннис корти, баскетбол, гандбол, мини-футбол, волейбол ва бадий гимнастикага мўлжалланган ёпиқ спорт заллари мавжуд.

«Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинлари муносабати билан бунёд этилган бундай кўркам ва замонавий иншоотлар юртимизда спортни ривожлантириш, соғлом авлод камолоти йўлида кенг қўламли хайрли ишларни рўйбга чиқариш борасида Президентимизнинг беқиёс ғамхўрлиги намунаси бўлиб, узоқ вақт халқимизга хизмат қилади.

Яна бир гап. Мазкур мусобақалар ёшларимизда ўзига бўлган ишонч тўғрисида шакллантиришда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Қолаверса, мамлакатнинг турли бурчларидан келган ўқувчи-спортчилар бир-бирлари билан дўстлашадилар, эзгу мақсад йўлида жиҳослашадилар, уларнинг қалбидан она-юртга меҳр-муҳаббат тўғриси шаклланади.

(Давоми 4-бетда).

## БРАЗИЛИЯГА ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бразилия Федератив Республикасига расмий ташрифнинг учинчи куну — 29 майда Рио-де-Жанейро шаҳрига ташриф буюрди.

Рио-де-Жанейро.  
29 май. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Қадимдан қаҳва маркази бўлган бу шаҳарда ҳозир сановатнинг мураккаб турлари бўйича фаолият кўрсатувчи кўплаб корхоналар, йирик банк-молия муассасалари жойлашган. Бразилиянинг жануби-шарқий қисми мамлакат ҳудудининг 11 фоизини эгаллагани ҳолда, мамлакат аҳолисининг 43 фоизи истиқомат қилади. Миллий саноат маҳсулотининг 80 фоиздан зиёди ушбу минтақа ҳиссасига тўғри келади. Қаҳва, шаккарқамиш ва чорва маҳсулотларининг ҳам салмоқли қисми шу минтақада етиштирилади.

Президент Ислом Каримов Рио-де-Жанейро мери Эдуарду Паэс билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Бразилия ўртасида шаҳарсозлик, кадимий обидаларни асраб-авайлаш ва ободонлаштириш, сайёҳларни жалб қилиш, шаҳар инфратузилмасини такомиллаштириш, шаҳарлараро бевосита ҳамкорлик ва тажриба алмашишни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида Тошкент ва Рио-де-Жанейро шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов дунёдаги энг катта «Маракана» стадионига ташриф буюрди. Бу иншоот Бразилияда «мамлакатнинг миллий стадиони» деб аталади. Стадион 1965 йилда барпо этилган. Унинг ҳашама ҳақида бир мисол орқали яхши тасаввур ҳосил қилиш мумкин: футбол бўйича тўртинчи жаҳон чемпионатининг финалида ушбу стадионда Бразилия — Уругвай учрашувини салкам 200 минг мухлис томоша қилган.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Бразилия Федератив Республикасига расмий ташрифи ниҳоятга етди. Ташриф асносида эришилган келишувлар, жумладан, мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, техникавий, маданий, қишлоқ ҳужалиги, сайёҳлик ва спорт каби соҳалардаги ҳамкорлик борасида имзоланган ўндан ортиқ ҳужжат Ўзбекистон — Бразилия ўртасидаги муносабатларни янги, янада юқори поғонага олиб чиқишга хизмат қилади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг расмий ташрифи Бразилия оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

(ЎзА).

## 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Ҳар биримиз ёш авлод тақдирини, фарзандларимизнинг бахтиёр ва фаровон келажagini уйлаб жон койитамиз. Мурғакларнинг кўзлари қулиб турса, нуридийдаларимиз бахту иқболи бардавом бўлса, деймиз.

## ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ — ВАТАН ИҚБОЛИ

Бинобарин, ўзбекдайн болажон, меҳри дарё, ҳатто биронинг боласини-да ўз фарзандайд азиз билгүвчи халқ камдан-кам бўлса керак. Бу — фарзандини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, унинг учун, керак бўлса, дунёнинг барча роҳату фароғатидан ҳам воз кечишга тайёр бўлган оналаримиз меҳру муҳаббати мисолида ҳар даму ҳар нафас ўз ифодасини топмоқда. Бу — жигарғўшасининг саодатли эртасини уйлаб қайғурғувчи, унинг қомил инсон бўлиб вояга етиши учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилгүвчи оталаримиз муруввати тимсолида намойён бўлаётди. Президентимизнинг ёш авлод келажаги ҳақида қайғуриб айтган ҳар бир сўзлари, истиқлол фарзандларининг ҳеч кимдан кам бўлмағи униб-ўсишини таъминлаш йўлидаги юксак ғамхўрликларни замирида ҳам беқиёс мурувват, беминнат меҳр мужассам.

Аслида, фарзанд барча учун бирдек азиз. Унинг беғубор қулгиси оламни турса, шунинг ўзи тенгсиз бахт. Болажонларга бўлган самимий меҳрининг яна бир ифодаси сифатида «1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни» жаҳон миқёсида кенг нишонлаб келинади. Мамлакатимизда ҳам ушбу айём баҳона тантанали тадбирлар, байрамона кечалар уюштирилади, гўдакларга турфа совғаю ҳадялар улаштирилиб, шу куну улар ҳар қачонгидан кўпроқ ва ортиқроқ даражада меҳру мурувватдан баҳраманд бўладилар. Тақдир тақозоси билан ота-она меҳридан мусово бўлган норасидалар ҳолидан хабар олиниб, саховатпеша инсонлар уларга ҳиммат кўрсатишади. Зотан, бугунги ислохотлардан қўзланган асосий мақсадимиз шу: юртимиздаги ҳар бир фарзанд чинакам болалик гаштини суриб, яқинлик меҳридан куч олиб ўлғайсин, эзгу хислар оғушида камол топсин.

(Давоми 4-бетда).

## В. Садовничий: ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КИТОБИ ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИНИНГ АСОСИЙ ҚОНДАЛАРИГА АСОСЛАНГАН

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг Москвадаги элчихонасига Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли янги асари ҳақида М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг ректори, Россия ректорлар уюшмаси президенти ва Россия Фанлар академияси вице-президенти В. Садовничийнинг мулоҳазалари битилган мактуб келди. Уни ўқувчилар эътиборига ҳавола қиламиз.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари халқаро жамоатчиликда катта таассурот қолдирди. У дунёнинг кўплаб тилларига тар-

жима қилинди ва АКШ, Франция ҳамда бошқа кўплаб етакчи давлатларда нашр этилди.

Бундай қизиқишнинг фавқулодда аҳамияти нимада? Нима учун ушбу китоб барчанинг эътиборини ўзига жалб қилади? Менимча, бу-

нинг боиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг асари нафақат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабаблари, балки, энг асосийси, Ўзбекистон қандай қилиб инқироз таъсирига қарши туриши, унинг миллий иқтисодиётга салбий оқибатларини камайтириш ва мамлакат халқининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган иқтисодиётнинг барқарор ва жадал ривожланишини таъминлаш масаласи ҳам аниқ ифодаланган. Бундай ишончга асос бор. «Экономика и жизнь»

газетасининг май ойи сонида МДХ давлатларининг 2009 йил биринчи чораги якунлари бўйича иқтисодий кўрсаткичлари қиёсан келтирилган. Улар Ўзбекистонга МДХ аъзолари орасида инқироз энг кам миқдорда таъсир этгани ва бундан ташқари, инқирозгача бўлган даврга яқин кўрсаткичларга эришганидан далолат беради. Яъни 2009 йилнинг I чорагида 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан ялпи ички маҳсулот 7,9 фоизга, саноат маҳсулотлари ҳажми эса 9,9 фоизга ўсган.

(Давоми 2-бетда).

### Дунё нигоҳи

## Кишлоқда бунёдкорлар сафи кенгаймоқда

2009 йилнинг биринчи чорагида республикаимизнинг кишлоқ жойларига 91 та қурилуш-таъмирлаш ташкилоти ташкил этилиб, мутахассис ва курувчилар билан таъминланди.

Бу, ўз навбатида, ҳудудларда уй-жойлар, ишлаб чиқариш ва маиший хизмат объектларини қуриш ҳамда таъмирлаш, объектларни тўла тайёр ҳолда топшириш ишларини узлуксиз бажариш имконини беради.

(Давоми 4-бетда).





ЖАҲОН 24 соат ичида

Қазиб олиш ҳажми ўзгармайди

Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) жаҳонда қузатилаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг "қора олтин" бозорига таъсири юзасидан навбатдаги йнгилишини ўтказди.

"Франс пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, унда ташкилот нефть қазиб олиш ҳажмини аввалги ҳолатда қолдириш тўғрисида қарор қабул қилган. Шундай қилиб, ОПЕК кунга 24,84 миллион баррель "қора олтин" етказиб беришда давом этади.

Гондурасда zilzila

Гондурасда Рихтер шкаласи бўйича 7,1 балли zilzila содир бўлди, дейилади "Рейтер" ахборотида.

Табиий офат оқибатида олти киши ҳаётдан қўз юмган, йнгирмадан ортик одам тан жароҳати олган. Унлаб хонадонлар вайрон бўлган. Бундан ташқари, ер силки-

ниши Кариб денгизи қирғоқларида кичик цунамини ҳам келтириб чиқарган.

Воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари давом эттирилмоқда.

Яна бир мамлакатда вирус

Венесуэлада АН1Н1 вируси билан боғлиқ биринчи ҳолат кайд этилди.

Бу ҳақда мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Хесус Мантлья ахборот берди. Унинг айтишича, касаллик аломатлари Панамадан учиб келган 21 ёшли ўсирида аниқланган. Шу боис ҳукумат жойлардаги назоратни янада қучайтди.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда дунё бўйича АН1Н1 вируси билан хасталанганларнинг аксарияти АКШ, Мексика ва Канада давлатларига тўғри келмоқда.

Ишлаб чиқаришга талаб ортган

Япония сановатида ишлаб чиқариш ҳажми жорий йилнинг апрель ойида мартдагига нисбатан 5,2 фоизга ўсган.

бўён қузатилмаганди. Ижобий кўрсаткичга эришилганининг асосий сабаби сифатида электроника ва кимё сановати корхоналарида ишлаб чиқаришга талаб ортгани кўрсатилмоқда.

Эслибат ўтамиз, 2008 йилнинг ноябрь ойида кунчиқар юртда сановат ишлаб чиқариш ҳажми октябрдагига нисбатан 8,1 фоизга пасайганди.

Хакерлар «хужуми»

Туркиялик хакерлар АКШ ҳарбий кучлари компьютерлари тармоғига «хужум» қилишди.

"InformationWeek" Интернет нашрида маълум қилинишича, «хужум»лардан бири ўқ-дори ишлаб чиқариш заводини, иккинчиси эса, мамлакат курулиқдаги ҳарбийларнинг муҳандислик бўлимига уюштирилган. Хакерлар иккала ҳарбий идоранинг маълумотлар базаси дастурига жиддий зарар етказишган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

1-ўқув биносининг иситиш тармоғи капитал таъмирланиши муносабати билан тендер танлови эълон қилади.

Танловда қатнашиш учун тақлифлар эълон чоп этилгандан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 233-66-36, 236-28-55, ички телефонлар: 1-15, 2-05.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотида номзодлар



Бухоро — Буоқ Ипак йўли чорраҳасида жойлашган энг қадимги савдо, хунармандчилик ва маданият гуллаб-яшнаган марказлардан бири. Бу ерда IX-X асрлардан тортиб то XX асргача бўлган улкан тарихий давр мобайнида кўпдан-кўп меъморий ёдгорликлар бунёд этилган.

ТАБАРРУК МЕРОСГА ЭҲТИРОМ

Собиқ шўро тузumi мафкурачилари ва атеистларни ажодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган бу табаррук қадамжоларни ҳам, Бухоро тарихида ўтган пиру алломаларнинг хоки тироблари ётган жойларни зиёрат қилишдек халқона аъна-наларни ҳам бирварақайига қоралаб, миллат хотирасидан ўчириб юборишга қаттиқ киришган эди.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, халқимизнинг юксак маънавия-тини, миллий меъморлик аънаналарини, халқ усталарининг бетакор истеъдодини ўзида муҷассам этган маъмур ёдгорликлар давлатимиз ва шахсан Юртбошимизнинг олий эътиборига сазовор бўлди.

1997 йилда халқро ЮНЕСКО ташкилоти қарорига биноан, Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўрилиши шариоатида бу улғу шаҳарда маъжуд Мир Араб мадрасаси, Масжиди Калон, Арк кўрғони, Сомони-лар мақбараси, Болоҳовуз масжи-

ди ва бошқа қатор меъморий ёдгорликлар қайтадан тикланиб, уларнинг атрофида йирик ободончилик ишлари амалга оширилди. Хусусан, 2001 йилнинг 30 август-ида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан "Мада-ний мерос объектларини асраб-авайлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида" Қонун қабул қилиниб, тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва улардан фой-даланишни қучайтириш борасида-ди ишлар кўлами янада кенгайтири-рилди.

Таъкидлаш жоизки, айнан Истиқ-лол даврида ўзбек халқи ўзининг азалий аънаналарини эъзозлаш, ди-ний-маънавий сиймоларининг фал-сафий-диний меросидан баҳраманд бўлиш, қабрларини зиёрат қилиш имкониятига эга бўлди. Бу сиймо-ларга абадий ором топган жойлар бу-зунга келиб гавжум ва файзли қадамжоларга айлантирилди. Давлатимиз раҳбари Исло-

Каримовнинг шахсан ташаббусла-ри ва ғамхўрликлари билан Баҳо-руддин Нақшбанд ва Абдуллоҳи Ғи-ждувоний мажмуалари ҳамда бошқа меъморлик ёдгорликларни тубдан қайта тикланиб, мамлакатимиз ва хо-рижий давлатлардан ташриф бую-радиган минглаб сайёҳлар ва зиё-ратчиларнинг энг азиз ғўшаси бўлиб қолди.

Бухорода азалдан маъжуд ҳамда юзага тегиб турган заққашлик ва шўрхоқлик таъсирида емирила бо-шлаган кўпгина тарихий ёдгорликлар-ни тиклаш, таъмирлаш ва қайта жи-ллантириш бўйича мустақиллик дав-рида катта кўламдаги ишлар бош-лаб юборилди. Шунингдек, бир замонлар муқаддас саналган ва мустақиллик даврига келиб, аста-секин забунликка мажум этилган маъзиларни асл ҳолига келтириш вазифаси қўндаланг бўлиб турарди. Шу мақсадларга қаратилган бунёд-корлик ишлари жараёнида ажод-лар томонидан қўлланилган қурилиш

материаллари ва аънавий меъ-морчилик технологияларига ҳам му-рожаат қилинди, баъзи ҳолларда эса Бухоро воҳасидаги кўпгина ёдгор-ликлар ва меъморий мажмуалар та-момила қайтадан бунёд этилди. Шу тариқа машҳур инсонларвар сиймо-лар — Саид Амир Кулолнинг Сухор қишлоғидаги қабри, Анжирбоғ қи-шлоғидаги (қадимги номи — Анжир Фағний) Хўжа Маҳмуд Анжир Фа-ғнавий, Ревгар қишлоғидаги Хўжа Му-хаммад Ориф ар-Ревгарий, Бухоро шаҳридаги Хўжа Исмаилол Бухорий ҳамда Бехиштин ёдгорлик мажмуа-ти Хўжа Абу Бакр Ҳамид, Абу Бакр Тархон, Абу Бакр ибн Ёқуб Калобо-дий, Хўжа ибн Хусайн Андакий каби табаррук зотларнинг қабрлари ус-тида бутун боши ёдгорлик мажмуа-лари барпо қилинди...

Бир мақолада заҳматқаш ва қўли гул халқ таъмирчи усталари меҳна-ти билан Бухоро воҳасида қад ростлаган барча табаррук жойлар тўғрисида батафсил сўзлаш қийин,

албатта. Фақат шу муҳим ҳақиқат-ни мамнуният билан баён этамиз-ки, Истиқлол йилларида хунарманд халқ усталари томонидан воҳада та-рихий обидаларни тиклаш ва таъ-мирлаш бўйича амалга оширилган ишлар мажмуи халқимиз таъсиринга сазовор бўлди, бу мутахассислар-нинг ижодий меҳнати турли йиллар-да Ўзбекистон ва Халқро Архитек-торлар уюшмалари танловларида Гран-при мукофотлари ҳамда фахр-ли дипломлари билан тақдирланди.

Таъмирчи-архитекторлар қадим-ги обидаларни асл ҳолатида тўла намоён этиш билан бир қаторда, улар атрофидаги тарихий муҳит манзараларини ҳам қайта тиклади-лар. Бетакор жилolari билан то-вланиб, сайёҳлар ва зиёратчиларни ўзига мафтун этаётган Чор Бакр ва Баҳоруддин Нақшбанд мажмуалари, улар атрофидаги ободончилик сўзи-мининг яқол далилидир.

Президентимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асари-да ободонлаштирилган тарихий ва табаррук қадамжолар, муқаммал да-ражада тикланган ёдгорлик мажмуа-лари халқни маънавий тарбиялаш-да, аинқиқса, ёш авлодинг маъна-вий-руҳий камолотида муҳим ўрин тутиши фахр билан таъкидланган.

Бухоро вилояти меъморчилигида-ги аънаналар ва бадий меросни асраш амалиёти бўйича таъмирчи-архитектор усталарнинг заргарона меҳнати ва фидойилиги юксак давлат мукофотида ҳар жиҳатдан муносибдир.

Мавлюда ЮСУПОВА, архитекура доктори.

РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2009 йил 19 июнь кун соат 11.00 да ўтказиладиган, объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қайтадан қўйилиши маълум қилинади:

- 1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан, Суд департаменти Самарқанд вилояти худудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган, Самарқанд тумани, Гулобод қишлоғида жойлашган "Парвина-М" МЧЖга қарашли:
• «XING BD-210» русумли 7 та музлаткич, техник ҳолати — янги. Биттасининг бошланғич баҳоси — 569 393 сўмдан.
• «MOROZZO BD/C-208» русумли 1 та музлаткич, техник ҳолати — янги. Бошланғич баҳоси — 518 925 сўм.
• «UGUR UDD 200 SC» русумли 866 та музлаткич, техник ҳолати — ишлатилган. Биттасининг бошланғич баҳоси — 239 500 сўмдан.
• «D210 DESG» русумли 15 та музлаткич, техник ҳолати — ишлатилган. Биттасининг бошланғич баҳоси — 284 700 сўмдан.
• «SINO SD-188» русумли 32 та музлаткич, техник ҳолати — ишлатилган. Биттасининг бошланғич баҳоси — 215 000 сўмдан.
• «SUPER GENERAL S6F150» русумли 2 та музлаткич, техник ҳолати — ишлатилган. Биттасининг бошланғич баҳоси — 164 102 сўмдан.
• «UGUR UDD 300 SC» русумли 216 та музлаткич, техник ҳолати — ишлатилган. Биттасининг бошланғич баҳоси — 305 900 сўмдан.
• «CARAVELI 335-935» русумли 1 та музлаткич, техник ҳолати — ишлатилган. Бошланғич баҳоси — 244 037 сўм.
• «SENOCAK» русумли 14 та музлаткич, техник ҳолати — ишлатилган. Биттасининг бошланғич баҳоси — 215 568 сўмдан.
• «ELECTROLUX» русумли 17 та музлаткич, техник ҳолати — ишлатилган. Биттасининг бошланғич баҳоси — 273 504 сўмдан.
• «XING BD-210» русумли 222 та музлаткич, техник ҳолати — ишлатилган. Биттасининг бошланғич баҳоси — 284 700 сўмдан.

- 14 AF 705, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 4 200 000 сўм.
• «ЛА3-695 Н» русумли автобус, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 693, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 5 360 000 сўм.
• «ЛА3-695 Р» русумли автобус, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 706, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 4 080 000 сўм.
• «ЗИЛ-431610» русумли автомашина, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 697, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 5 840 000 сўм.
• «ЗИЛ-ММ3-45021» русумли автомашина, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 702, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 6 842 900 сўм.
• «ГАЗ-3307» русумли автомашина, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 701, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 4 067 500 сўм.
• «ГАЗ-53» русумли автомашина, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AO 011, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 4 938 000 сўм.
• «КАВЗ-3271» русумли автомашина, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 707, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 4 135 000 сўм.
• «ПА3-672» русумли автомашина, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 698, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 2 382 000 сўм.
• «ПА3-672» русумли автомашина, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 700, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 2 977 600 сўм.

2. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 20 ноябрдаги ЖСК-1-480/2008-сонли ижро варақасига асосан, Суд департаменти Самарқанд вилояти худудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 81-ўйда жойлашган масулияти қанлаган жамият шаклидаги «Бахмал» қўшма корхонаси ҳовлисида сақланаётган:

- «Нексия» русумли автомашина, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AE 152, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 13 354 900 сўм.
• «Нексия» русумли автомашина, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 262, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 14 012 000 сўм.
• «Нексия» русумли автомашина, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AI 333, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 14 940 300 сўм.
• «ГАЗ-31029» русумли автомашина, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AE 892, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 5 725 600 сўм.
• «ГАЗ-310231» русумли автомашина, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AG 777, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 9 821 900 сўм.
• «МИДИБУСАСАНР 21» русумли автобус, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AO 924, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 45 000 000 сўм.
• «МИДИБУСАСАНР 21» русумли автобус, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AO 923, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 45 000 000 сўм.
• «ЛА3-695 Н» русумли автобус, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси

3. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан, Суд департаменти Самарқанд вилояти худудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган, ХЕАТ «Парвина» банки ва унинг таъинидаги ҳўжалик юритувчи ташкилотларга тегишли қуйидаги автотранспорт воситалари:

- Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳкўчаси, 157-уй, «Самарқанд автотехнизат» 1-сонли автосалон омборхонасида сақланаётган:
а) «Дамас» русумли автомашина, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 AJ 109, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 5 825 795 сўм;
б) «Дамас» русумли автомашина, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 AJ 110, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 5 645 150 сўм.
• Самарқанд шаҳри, Аэропорт худуди, Лочин кўчаси, 9-уй, «СУ-855» МЧЖ ҳовлисида сақланаётган:
а) «МАЗ-5543» русумли автомашина, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 068, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 140 400 сўм;
б) «МАЗ» русумли автомашина, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 13-24 ТНП, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 17 385 000 сўм.

• Самарқанд шаҳри, Аэропорт худуди, Лочин кўчаси, 9-уй, «Парвина курувчи» МЧЖ ҳовлисида сақланаётган:
а) «ЗИЛ-ММ3-45021» русумли автомашина, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 071, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 117 000 сўм.

Шунингдек, 2009 йил 3 июль кун соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилганлиги маълум қилинади:

Самарқанд вилояти ҳўжалик судининг 2009 йил 6 февралдаги 14-09-07/17141-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Самарқанд тумани бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд вилояти, Тайлоқ тумани, Ворсин қишлоғида жойлашган, «Тоҳирий» СИЧДга тегишли:
2 қаватли қурилиши тугалланмаган бино, ишлаб чиқариш цехи, цемент омборхонаси, омборхона, дам олиш хоналари. Умумий ер майдони — 0,5 гектар. Бошланғич баҳоси — 178 197 000 сўм.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили ёки биржа вакили иштирокида бевосита хонига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истиадаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланғичида бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истиадаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг АТБ «Узсанотқурилишбанк»-и Самарқанд минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404460401001. МФО: 00317, СТИР: 206074208. Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 148-уй, Савдо-сановат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 1-хона. Телефон: (8-366) 234-06-38.

«Узсанотқурилишбанк» Охунбобоев филиали қатъий ҳисобда турувчи №5567289, 5567290, 5567290, 5567908, 5567909, 5567920, 5567921, 5567922, 5567923, 5567924, 5567925 рақамли 11 (йил) донга йўқотилган ТХ-1ш патталарини бекор қилади.

SONATA Ҳз йўлингни танла! Drive your way. КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Official Partner. Tel. 250-11-11

«ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИ «ТОШАВТОБУСТРАНС» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ «Д» тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни Тошкент шаҳар жамоат транспортда «Мерседес-Бенц» ва «Исузу» русумли автобусларда ишлашга таклиф этади. Ҳайдовчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи — 250-350 минг сўм. Автокорхоналар манзили: «Биринчи автокорхона» ОАЖ, «2-автобус саройи» ОАЖ, «3-автобус саройи» ОАЖ, «4-автобус саройи» ОАЖ, «5-сон автокорхона» ОАЖ, «7-автокорхона» ОАЖ, «8-автосаройи» ОАЖ, «12-автобус саройи» ОАЖ, «18-автобус саройи» ОАЖ, «2519-автокорхона» ОАЖ, «Тошавтобустрас» АК, 3. Шамсуддинова кўчаси, 3-уй Паркент кўчаси, 263-уй Янги олмасор кўчаси (собиқ Мирпўлатова), 57-уй Чоштепа кўчаси, 27-уй Тошкент вилояти, Юқори Чирчик тумани, Бардонкўл қишлоғи (Рохат кўли яқинида) Бунёдкор шоҳкўчаси, 49-уй Муродов кўчаси, 7-уй Спутник даҳаси, 12-уй Катта халқа йўли, 8-«А» уй Авайхон кўчаси (собиқ Иркутск), 20-уй Амир Темур I-тор кўчаси, 6-уй. телефон: 290-90-14, 296-32-60, 248-64-45, 215-87-24, 295-43-89, 279-95-34, 224-05-10, 258-37-47, 247-03-36, 265-98-40, 233-59-38. Ҳайдовчилик касби ҳам машаққатли, ҳам шарафли. Халққа хизмат — олий ҳиммат.

